

... : ...

... : ...

1. Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа Умму Сулаймга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мадорсиз овозларини эшитдим. Билдимки, очликдан. Бирор ниманг борми?» деди. У: «Ҳа», деди-да, бир нечта арпа нон олиб чиқди. Рўмолини олиб, бир қисмига нонни ўради-да, нонни қўйнимга солиб, яна бир қисми билан ўзимни ўради. Кейин мени Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига жўнатди. Мен уни олиб бордим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидда одамлар билан бирга эканлар. Бориб, уларнинг тепаларига турган эдим, у зот: «**Сени Абу Талҳа юбордими?**» дедилар. «Ҳа», дедим. У зот: «**Егулик биланми?**» дедилар. «Ҳа», дедим. У зот ўзлари билан ўтирган одамларга: «**Туринглар!**» дедилар-да, йўлга тушдилар. Мен уларнинг олдига тушиб юрдим-да, Абу Талҳанинг ёнига бориб, хабар қилдим. Абу Талҳа: «Эй Умму Сулайм, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамлар билан келибдилар, бизда эса уларга беришга егулигимиз йўқ», деди. У: «Аллоҳ ва Расули яхшироқ билади», деди. Абу Талҳа бориб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни қарши олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва Абу Талҳа бирга кириб келишди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Эй Умму Сулайм, бор нарсангни олиб кел**», дедилар. У бояги нонларни келтирди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буюрдилар, улар ушатишди. Умму Сулайм уккани* сиқиб, унга нонхуруш қўшди. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга (егуликка барака тилаб,) Аллоҳ хоҳлаган нарсаларни айтдилар. Кейин (Абу Талҳага): «**Ўнтасига изн бер**», дедилар, у уларга изн берди. Улар тўйгунча еб, чиқиб кетишди. Кейин у зот: «**Яна ўнтасига изн бер**», дедилар. У уларга изн берди. Улар ҳам тўйгунча еб, чиқиб кетишди. Кейин у зот: «**Яна ўнтасига изн бер**», дедилар. Хуллас, қавмнинг ҳаммаси еди ва тўйди. Қавм эса етмиш [ёки саксон] киши эди».

Муттафақун алайҳ.

